O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 4-oktabr, chorshanba, 40 (370)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi



Ватан манзаралари



Мамлакатимиз пойтахтининг бош майдонида бўлган кишининг гуллаб-яшнаётган она-Ватанимизга меҳр-муҳаббати янада ортади. Унда атрофга алоҳида чирой бағишлаб турган яшил хиёбонлар, кўркам арчалар, бир-биридан қолишмайдиган, бетакрор фавворалар, Бахтиёр она ҳайкали ва Эзгулик аркаси бир-бирига уйғунлашиб кетган. Уларнинг ҳар бири қалбларга қувонч бағишлайди. Ахир, бу — Мустақиллик иншооти, Ватанимиз тўридаги муқаддас қадамжо. Уни сайр қилиб кўнглимиз таскин топади. Атрофимиздаги бахтиёр ёшларнинг эртанги кунга қатъий ишонч билан хотиржам бораётганликларидан дил тўлқинланади. Чунки улар — эртанги кунимизнинг муносиб ворислари, қалби Ватан ишқи билан ёнган ўғил-қизлар.

Суратларда: Мустақиллик майдонидан лавҳалар.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

● Партия ҳаёти

КЕНГАШ ТАШАББУСИ БИЛАН

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туман кенгаши ташаббуси билан «Шодлик» оромгоҳида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб «Сизга таъзим, устозлар!» номли тадбир ўтказилди. Унда фидойи устозлар иштирок этишди.

Тадбирни туман ҳокими Норбой Шомуродов очиб берди ва устоз-мураббийларни касб байрамлари билан қутлади. Йиғилишда сўзга чиққан ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Абдулла Холмирзаев, туман халқ таълими бўлими мудири Содиқ Шерматов ва бошқалар ўқитувчиларнинг заҳматли ва шарафли меҳнати, ҳаётимизда устозлар берган сабоқнинг ўрни ҳақида гапиришди.

Шундан сўнг фидойи устозларга фахрий ёрлиқлар, байрам совғалари топширилди. Партия аъзоси, туман халқ таълими бўлими мудири С.Шерматов партия ишини тарғиб қилишда ва аъзолар сафининг кенгайишида муносиб ҳисса қўшаётганлиги учун ЎзМТДП вилоят кенгашининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Жуманазар АНОРОВ.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг «Ёшлар қаноти» Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда «Миллий қадрият ва ёшлар» мавзуида давра суҳбати уюштирди.

Миллий матбуот марказида ўтган мазкур йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Жума Чоршанбиев, Шарифа Салимова, Мунира Қориевалар ҳамда бир гуруҳ партия фаоллари, талаба ёшлар иштирок этишди.

ЁШЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов давра суҳбатини очиб, шундай деди:

— Сиёсий партиямизнинг 68 фоиз аъзолари ёшлар. Уларнинг кўнглига йўл топишимиз, биргаликда, ҳамфикрликда ишлашимиз лозим. Бугунги тадбир ана шу мақсадда ташкил этилди. Ёшларимизнинг миллий қадриятларимизга бўлган муносабати қандай? Йўлимиздаги муаммоларнинг ечимини топиш учун нима қилмоқ керак?

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори ўринбосари А.Ҳамдамов бу борада ўз фикрларини билдириб, биринчи навбатда ёшларнинг сиёсий билимини ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапирди. Бунинг учун эса ёш тренерларни тайёрлаб, партияга жалб қилиш, ёшларимизни бирлаштириб, бўш вақтларини унумли ўтказишни ташкиллаштириш зарурлиги, шу йўл билангина уларни маънавиятимиз, маданиятимизга таъсирини ўтказаётган ёт ғоялардан асраб қолиш мумкинлигини таъкидлади.

Шундан сўнг сўз навбати «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Қаҳрамон Қуронбоевга берилди. У ўз сўзида ёшлар ҳаракатининг ташкилий тузилмаси, сиёсий партиялар билан ҳамкорликда ишлашнинг фойдали жиҳатлари ҳақида гапирди.

— Республика бўйича 10 мингга яқин бошланғич ташкилотларимиз, 300 мингга яқин сардорларимиз бор, — деди у. — Ҳар бир туманда ижтимоий хизмат маркази очилиб, ёшлар билан ишлаш йўлга қўйилган. Бироқ ҳанузгача ёшлар орасида ҳуқуқбузарликлар, жиноятчилик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари учраб турибди. Андижон воқеаларида нима учун ёшларимиз иштирок этишди? Шунга ўхшаган оғриқли саволлар ҳаммамизни ҳам ўйлантиради, албатта. Бугун ҳам халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг ғоялари таъсирига берилаётган ёшларимиз йўқ эмас. Ёшларни миллий қадриятларимиз, асрий анъаналаримизга содиқ тарбиялаш учун ҳамкорликда ишлаши тарафдориман. Шундай қилсаккина, ёшларимизни, миллий ўзлигимизни тараққиётнинг салбий оқибатларидан сақлаб қоламиз.

Партия Марказий кенгаши аъзоси, санъат арбоби Ортиқали Қозоқов бугунги ёшларнинг дунёқараши, тафаккуридаги ўзгаришлар, улар енгил ҳавасларнинг қурбони бўлиб қолмаслиги учун, аввало, тарбияни оиладан бошлаш кераклигини таъкидлади. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари, фалсафа фанлари номзоди Муҳиддин Примов жамиятимиз ёшларининг бугунги қизиқишлари, миллий анъаналарга ва ҳозирги замон маданиятига бўлган муносабатини таҳлил қилиб берди.

Давра суҳбатида сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Шарифа Салимова, партия фаолларидан Фотима Шарипова, Мақсуда Камолова, Мухтабар Азимовалар олий ва ўрта махсус ўқув юртларида очиқ дарслар ўтказиш, кучли нотиқлар гуруҳини тузиш, зиёли аёллар сафини кенгайтириш, ёшларнинг кўпроқ эътиборини жалб қиладиган оммавий ахборот воситаларининг тарбиявий аҳамиятини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлашди.

Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Навоий шаҳар кенгаши «Хотин-қизлар қаноти» ташаббуси билан «Юртимиз хотин-қизлари 15 йил ичида» мавзуида йиғилиш ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилояти Зафаробод туман кенгаши ташаббуси билан «Истиқлол берган имкониятлар» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Бухоро вилояти Пешку туман кенгаши ташаббуси билан «Афшона» маҳалла фуқаролар йиғинида «Мен ўзбек фарзандиман» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Навоий вилояти Хатирчи туман кенгаши ташаббускорлигида «Устоз — отангдек улуғ» номли тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Наманган вилояти Чортоқ туман кенгаши «Ўқитувчи ва мураббийлар» куни муносабати билан фахрий, фидойи устозлар учун байрам тадбири уюштирди.

* * *

ЎзМТДП Самарқанд вилояти Каттақўрғон туман кенгашида «Миллий истиқлол ғояси — юрт мафкураси» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилояти Музработ туман кенгашида «Мустақиллик — халқ манфаати» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Тошкент вилояти ҳамда Тошкент туман кенгаши ҳамкорлигида «Устоз — отангдек улуғ» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Нишон туман кенгаши ташаббуси билан «Нуристон» маҳалла фуқаролар йиғинида «Миллий қадриятлар боқийлиги» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Бухоро шаҳар кенгаши ташаббуси билан 2-сонли ўрта мактабда «Туркистон бир — Ватан бир» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар кенгаши ташаббуси билан санитария-эпидемиология марказида «Жамиятда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ўрни» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туман кенгаши ташаббуси билан «Қўрғонтош» маҳалла фуқаролар йиғинида «Оила, фарзанд ва мактаб» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

● Қарор ва ижро

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов жаҳонда кечаётган сиёсий жараёнларни теран таҳлил қилган ва мафкура майдонларидаги курашлар ядро полигонларидан кўра хавфлироқдир, дея таъкидлаган эди. Бинобарин, ҳозирги пайтга келиб сиёсий ва мафкуравий кураш усуллари тубдан ўзгариб, янги сифат кўринишларига эга бўлди. Илгарилари инсониятга қуролланиш пойгаси хавф солган бўлса, энди турли хил вайронкор ғоя ва мафкуралар таҳдид солмоқда.

МАЪНАВИЯТ — БУНЁДКОР КУЧ

Қўшстандартли сиёсат юритаётган айрим гегемон давлатлар турли хил вайронкор ғоялар билан қуролланган оқимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз она-Ватанига қарши қўйиш орқали "қалъани ичдан олиш" қоидасини қўллашга уринмоқда. Бизга тарихдан маълумки, ўзининг кучли миллий мафкура ва ғоясига эга бўлмаган халқлар доимо ўзга давлатлар томонидан осонгина маҳв этилган, парчаланиб кетган, мустамлакага айлантирилган. Бундан бизни Мустақиллигимизга бўлган садоқатимиз, жаҳолат, зўравонлик, терроризмга бўлган кучли нафратимиз, мафкуравий иммунитетимизгина сақлаб турибди.

Миллий истиқлол ғояларини халқимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод онги ва қалбига сингдиришда сусткашликка йўл қўйиш тузатиб бўлмайдиган фожиаларга олиб келиши аниқ. Одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш ҳар бир зиёли, фаол фуқаронинг кундалик вазифаси ва бурчига айланмоғи лозим.

(Давоми 2-бетда).

● Тадбир

УСТОЗЛАР ЭЪЗОЗДА

Инсоннинг ҳаёти давомида муваффақиятларга эришиши, шаклланишида уни қўллаб-қувватлаган, йўл кўрсатган устозлари бўладики, бу улуғ зотлар олдидаги қарзни ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Дунёда энг машаққатли соҳа ҳам ўқитувчиликдир.

Бугун таълимга бўлган эътиборнинг аҳамияти, соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш мақсадида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ЎзМТДП Марказий кенгаши ҳамда пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими ташаббуси билан Ўзбек Миллий академик театрида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган «Сизга таъзим, сизга эҳтиром, азиз устозлар!» мавзуидаги тадбир шулар жумласидандир. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий кенгаши аъзолари ва ходимлари, туман халқ таълими бўлими вакиллари ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар иштирок этган мазкур йиғилишни туман ҳокими Бахтиёр Ҳакимов очиб, устозларни касб байрамлари билан қутлади. Бир гуруҳ устоз ва мураббийларга Ўзбекистон Республикаси «Халқ таълими аълочиси» нишони топширилди.

Шундан сўнг ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедов барча иштирокчиларни байрам билан табриклаб, бу айёмнинг шукуҳи ва таровати ўзгача эканлигини таъкидлади. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури», Президентимизнинг ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир бир қатор фармон ва қарорлари таълим-тарбия жараёнига алоҳида эътибор қаратилганлигига яққол мисол эканлиги, устозлар меҳнати муносиб баҳоланаётганлиги, бу ўз навбатида педагог ходимларга қувонч бағишлаши билан бирга жиддий масъулият юклаши ҳақида гапирди.

Тадбир сўнгида бир гуруҳ устоз ва мураббийларга эсдалик совғалари топширилди.

Акмал РЎЗИТОЕВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши
Ёшлар билан ишлаш шўъбаси мутахассиси.

«Обуна-2007»

МАЪРИФАТЛИ ҲАМРОҲ

«Миллий тикланиш» газетаси жамиятимизнинг миллий ғоялари, миллий мафкуравий асосларини яратиш, ҳозирги замон сиёсий-иқтисодий, маънавий муаммоларини кўтариб чиқиш, халқимизнинг сиёсий онгини ўстиришни ўзининг муқаддас вазифаси деб билади. Газетамизнинг маърифатга чорловчи садоси юртимиздаги ҳар бир ташкилот, корхона, хонадонга кириб боришини, ўз зиёси билан кўнгилларни мунаввар этишини орзу қиламиз.

Азиз муштарий, **«Миллий тикланиш»** — Сизнинг газетангиз. Унинг саҳифаларида Ўзбекистон **«Миллий тикланиш»** демократик партиясининг Низоми ва Дастуридаги долзарб вазифаларни тарғиб этувчи мақолалар билан биргаликда мамлакатимизнинг ҳамма соҳасига дахлдор, ҳаётий, одамларни ўйлантираётган, ечимини кутаётган муаммолар тўғрисида ҳам материаллар бериб борилади. Бир сўз билан айтганда, республикамиздаги жўшқин ҳаётнинг бугунги нафаси газетамиз саҳифаларида ўзининг тўлақонли ифодасини топади.

«Миллий тикланиш» газетаси сизларга доимий маърифатли ҳамроҳ бўлишига ишонамиз.

Азиз газетхонлар!
Саҳифаларимизни келгуси йилда ҳам кузатиб бориш имкониятига эга бўлай десангиз, «Миллий тикланиш» газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158.

МАЪНАВИЯТ — БУНЁДКОР КУЧ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимизнинг яқинда қабул қилган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори ҳам ана шу вазифага хизмат қилади. Унда Республика Маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимларига эса ҳудудий кенгашларга раислик қилиш вазифаси юклатилди.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг илмий-амалий йўналишида фаолият олиб борадиган Миллий ғоя ва ва мафкура маркази ташкил этилди. Республика "Маънавият ва маърифат" маркази Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг амалий йўналишида фаолият олиб борадиган Республика Маънавият тарғибот марказига айлантирилди.

Қарорда дунёда юз бераётган мураккаб мафкуравий курашлар ва муаммоларни теран таҳлил қилиш ва баҳолаш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш зарурлиги ҳақида сўз боради. Шунингдек, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга нисбатан самарали кураш олиб бориш бўйича илмий-амалий дастурлар ишлаб чиқиш Республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг асосий вазифаси қилиб белгиланди. Шу билан бирга, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган усул-услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсиялар бериш шулар жумласидандир.

Республика Маънавият тарғибот маркази зиммасига аҳолининг кенг қатламлари орасида миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилиш, айниқса, ёшларнинг қалбида она-Ватанга муҳаббат, садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий тадбир, сухбат, очиқ мулоқотлар ўтказиш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб бериш вазифаси юклатилган. Юртимизга нисбатан олиб борилаётган ғоявий ва ахборот хуружлари, уларнинг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, одамларни огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этиш мақсадида олимлар, сиёсатчи, ижодкор зиёлилар жойларда самарали тарғибот тизимини йўлга қўйишлари зарурлиги муҳим вазифа қилиб белгиланган.

Миллий мафкура ва маънавият нафақат вайронкор ғоялардан ҳимояланиш воситаси, балки жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий, иқтисодий кучқувватга етакловчи локомотиви ҳамдир. Янада тушунарли қилиб айтадиган бўлсак, у тараққиёт катализаторидир. Биз қанчалик ижтимоий фаол, дунёда бўлаётган глобал воқеалардан хабардор бўлсаккина кучли жамият сари одимлашишимиз тезлашади. Айнан миллий мафкура атрофида бирлашсаккина давлатимизни буюк давлатлар сафига қўша оламиз, тинчлигимиз ва тараққиётимизни кафолатлаган бўламиз.

Шуҳрат НАСИМОВ,
Республика Маънавият тарғибот маркази бош мутахассиси.

● Бугуннинг гапи

ОИЛА — ТАРБИЯ МАКТАБИ

Халқимиз оилапарвар. Тарбияни нажот, саодат деб тушунади. Айниқса, оилада қизлар тарбиясида онанинг роли азал-азалдан муҳим ўрин тутиб келган. Қизларимиз оналар мактабини ўтамоқлари лозим бўлган. Ҳозир ҳам шундаймикин?..

Шу ўринда бир оз ўйга толасан, киши. Сабаби, кейинги пайтда ёшларимиз, айниқса, қизларимизнинг кийиниши, юриш-туриши кўпроқ танқид қилинадиган бўлиб қолди. Уларнинг бугунги «замонавий» маданиятга интилиши, кўпинча бошқаларга тақлид қилиши биз — катталарни ўйлантириши ҳам бежиз эмас, албатта. Бу мавзу бир қарашда муҳокама қилинавериб эскириб кетганга ўхшайди. Шундай бўлса-да, бу ҳақда гапирмай, дилимиздаги гапларни айтмай иложимиз йўқ. Бир болага етти қўшни ота-она, деган халқ мақолининг ўзи миллатимизнинг фарзанд тарбиясига нақадар масъулият билан ёндошишини намоён этиб турибди. Халқ орасида бундай мақоллар бекорга айтилмаган. Ватаннинг ободлиги, эл-юрт ҳаётининг фаровон бўлиши оиладаги тарбия мактабининг қандай экани билан узвий боғлиқ.

Ватан остонадан бошланади, деган гапда ҳам бир олам ҳикмат бор. Остона ҳатлаб кўчага чиққан киши одамлар даврасига қўшилади, ўқишга ё ишга боради, жамиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг иштирокчисига айланади. Бир оила ҳақида гапирилганда бу оила фарзандининг одамлар орасида ўзини қандай тутиши, муомаласига қараб оиланинг туриш-турмушига баҳо берилади баъзан.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Дастурида «Ватан — ягона оила» шиори бор. Ёшларнинг қалбида ватанпарварлик ҳиссини камол топтириш бизнинг бош мақсадимиз. Ёш авлодга эътибор — миллат келажагига эътибор, дегани аслида. Оила тотувлиги, мустаҳкамлигига эришишнинг асосий ўринда туриши партиядошларимизнинг орзу-ўйлари билан ҳамоҳанг. Миллий қадриятларимиз замини ҳам аслида оиладир. Бу ердаги соғлом муҳит келажак авлод тарбияси учун муҳим омилдир. Қизларимиз тарбияси, маданияти уларнинг юриш-туришида кўзга ташланади. Уларга қараб чиқарилган биринчи хулоса ота-онанинг фарзанд тарбиясига қандай эътибор беришига берилган баҳодир.

Мустақиллигимиз ёшларимизга жуда катта эркинликлар, истиқбол йўлларини очиб берди. Уларнинг камолоти учун барча эшиклар очилди. Ҳозирги кунда талаба ёшларимиз хорижий давлатларда билим олишмоқда. Спорт, санъат ва бошқа соҳаларда ютуқларга эришаётган фарзандларимизни кўриб, кўзимиз яшнайди. Гоҳида уларга берилаётган имкониятлар бизда бўлганида нималар қилар эдик, деган хаёлга ҳам бериламиз. Ёшларимизнинг дунёқарашида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Бунда компьютер ва интернет оламининг ҳам ўрни бор. Янгиликлар, ўзгаришларнинг ижобий томонлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам кўзга ташланади. Ютуқларимиз ўзимизники, албатта, салбий ҳолатлар ҳақида гапирсак, муаммоларимизни бамаслаҳат ҳал қилиб олсак ҳаммамиз учун ҳам яхши.

Баъзан «тараққиёт» ҳақида гапириб, билимдонлик қилаётганлар билан баҳслашишга тўғри келади. Баҳсларда янги фикрлар туғилади, кишини ўйга толдирадиган гаплар айтилади. Миллий маданиятимиз шаклланиши ўрнига тақлидчилик ҳам кенг қулоч ёзиб бораётганига нима сабаб бўлаяпти, деган савол пайдо бўлади. Шу ўринда маданиятга алоқадор бўлган яна бир соҳани кўз олдимизга келтирайлик. Қадимдан савдо-сотиқ билан шуғулланувчи савдогарлар маданият, тараққиёт элчилари бўлишган. Ҳозирги кунда ҳам шундай. Бироқ бу «тараққиёт» дегани миллий анъаналаримизга, урф-одатларимизга соя солмаяптими?

Бир ўйлаб кўринг, тижорат иши билан шуғулланувчилар хориждан келтираётган либослар, кийим-кечаклар ҳар доим ҳам миллий ўзлигимизга мос келармикин? Бу оғриқли саволларга ким жавоб беради? Биринчи навбатда миллат учун жон куйдирадиган зиёлилар, албатта. Зиёлиларимизнинг бу ҳақда матбуотда бонг ураётганлари бекор эмас.

Бизнингча, бугунги тижоратчиларимизда маърифатга интилиш, миллатсеварлик фазилатлари етишмайди. Уларнинг аксарияти нима қилиб бўлса-да, фақат фойда топиш йўлига тушиб қолишгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳолат бозорларимизга очиқ-сочиқ кийимларнинг кириб келишига сабаб бўлаётир. Озгина фурсат ўтмай қизларимиз, ўрта ёшли аёлларимизнинг эгнида пайдо бўлади шу либослар. Бу нарса миллий урф-одатларимизга путур етказмай қолмайди, албатта. Оқибатда ёшларимизнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи енгил-елпи ҳаёт тарзи юзага келади. У илдиз отиб бораётганидан ташвишга тушамиз, шунинг учун ҳам қайта-қайта гапиришдан эринмаймиз.

«Ҳаё иймондандир», дейилади ҳадисларда. Қалбида иймони, ориятмустаҳкам бўлган миллатнинг ўзлиги ҳеч қачон йўқолмайди. Либос ҳам одамнинг ахлоқини ўзида намоён этади. Фарзандларимизга буни тушунтирайлик, қизларимизнинг либослари кўркам, бежирим, файзли бўлсин, кўрган кўз қувонсин. Партиямиз сафидаги зиёлиларнинг орзу-мақсади ҳам шу.

Хайринисо МИРЗАЖОНОВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари.

● Партия ҳаёти

ЎҚИТУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг фаоллари Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалигида дала меҳнаткашлари ҳузурида бўлишди. Учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шарифа Салимова, Мунира Қориева, Марказий кенгаш раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова ҳамда Марказий кенгаш аъзоларидан бир гуруҳи иштирок этишди.

ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши раиси, шоира Шарифа Салимова учрашувда «Истиқлолга қасида», «Ўзбек боласи» номли шеърларини ўқиб берди. Дала бошида шеърлар, табрик сўзлари янгради. Партия Марказий кенгаши томонидан пахтакорларга партия рамзлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Насиба ОЧИЛОВА.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Паркент туман кенгаши томонидан Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб «Устоз — отангдек улуғ» мавзуида тадбир ўтказилди. Қуйи Чирчиқ туманидаги «Хўжакент» ва «Кизона» қишлоқлари далаларидаги пахта теримида ҳашарда бўлган ўқитувчилар қатнашган тадбир жуда кўнгилли ўтди.

Тадбир аввалида Паркент туман ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулчеҳра Исломова, туман халқ таълими бўлими мудири Муҳиддин Ҳасанов, ЎзМТДП туман кенгаши раиси Маъсуда Икромова сўзга чиқиб, барча иштирокчиларни касб байрамлари билан табриклашди. Ҳашарчиларга ЎзМТДП Паркент туман кенгаши ва туман халқ таълими бўлими томонидан совғалар тарқатилди.

Тошкент шаҳар «Мерос» театри ва туман маданият уйи санъаткорларининг чиқишлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Танзира ХОЛТОЕВА,
ЎзМТДП Марказий кенгаши мутахассиси.

МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗНИ АСРАШ ЙЎЛИДА

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ташкил топганига ўн йил тўлди. Аслида ўн йил тарихан жуда қисқа вақт. Аммо жамғарма бу давр ичида жуда кўп хайрли ишларни амалга оширишга улгурди.

Маълумки, жамғарма тассаруфида ҳозир уч юздан зиёд тарихий ёдгорликлар ва зиёратгоҳлар мавжуд. Ўтган 10 йил давомида уларнинг аксарияти қайта таъмирланди ва юздан зиёд янги китоблар нашр эттирилди. Шунингдек, миллий ҳунармандчилик мактабларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Яқинда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг «Буюк мерос муҳофазаси ва тарғиботида 10 йил» мавзуида раёсат мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишни жамғарма раиси Амирқул Каримов кириш сўзи билан очиб, эришилган ютуқлар, қилиниши лозим бўлган бир қатор ишлар ҳақида гапирди. Шунингдек, раёсат йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори юзасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисдан сўнг Абулқосим мадрасаси ҳовлисида жамғарма қошидаги ҳунармандлик марказлари усталари асарлари асосида халқ амалий санъати кўргазмаси ташкил этилди. Унда кулолчилик, нақкошлик, ҳаттотлик ва бошқа миллий ҳунармандчилик усталарининг ижодидан намуналар намойиш этилди. Шундан сўнг Тошкент шаҳри ва вилоятлар фольклор ансамбллари ва яккахон хонандалар, созандалар йиғилганларга ўз санъатини намойиш этишди.

Дилбар КАРИМОВА.

Ислоҳот самаралари



Хоразмда ҳар бир нарсанинг ўзига хослиги бор. Лаҳжасини тинглаб, тўй-тантаналарини томоша қилган кишининг қалби завқу шавққа тўлади. Қувнаб-қувнаб яшашни у ерликлардан ўрганса арзийди. Рақсга тушишни уддалай олмайдиган киши топилмаса керак у томонларда.

Кузнинг пишиқчилигида, ёғин-сочинли кунларга қолмай ўтказиб олиш илинжида янгибозорликлар ҳам тўй-томошалар оғушида. Осойишта юртга тўйлар, куй-қўшиқлар ярашади-да...

Янгибозор тумани йилдан-йилга обод бўлиб, кўркамлашиб бораётир. Мамлакатимизда биринчилардан бўлиб туманда фермерчилик танланганди. Бугун улар бу ишнинг ҳадисини олишга улгуришди. Бободеҳқонда ерга эгалик ҳисси вужудга келди. Яхшироқ ишласа, яхшироқ яшаши, турмуши янада фаровон бўлишига фермерлар амин бўлишаётир. Пахтачиликдаги ўтган йилги эришилган ютуқларни айтмай қўя қолайлик. Бу йилги ҳосилдан ҳам деҳқонларнинг кўнгли тўқ.

ЯНГИБОЗОРЛИКЛАР ИБРАТИ

Энди ўтган йилги натижалар билан танишайлик. Кўплаб фермерлар юқори натижаларга эришдилар. Масалан, Болтабой Якубов бошлиқ «Бегиобод» фермер хўжалиги азаматлари эллик гектар майдонда пахта етиштириб, 18,7 миллион сўм соф фойда олишди. Бир гектар майдонга 620 минг сўм харажат қилиб, 1 миллион 111,5 минг сўм даромадга эга бўлишди. Рентабеллик даражаси эса 50,7 фоизни ташкил этди. Қудрат Тожиматов бошлиқ «Қудрат» фермер хўжалиги аъзолари ҳам яхши натижаларни қўлга киритишди. Улар 40 гектар майдонда пахта етиштириб, 8,9 миллион сўм соф фойда олишди. Бу йил ҳам ҳар икки фермернинг шашти баланд.

Ғаллачиликда ҳам йил сайин ҳосилдорликнинг ортиб бориши кузатилаётир. Бу йил ғалла хирмони ўтган йилгисига нисбатан бир минг икки юз тўқсон тоннага ортиқ бўлди. Ҳосилдорлик ўтган йилдагидан икки центнердан ортди. Давлатга буғдой сотиш режаси 112,7 фоизга уддаланди.

Туманда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, халқ истеъмоли молларини тайёрлаш ҳам ортиб бораётгани қувончлидир. Бу ўз навбатида даромадларнинг, охирқибатда соф фойданинг ортишига олиб келмоқда. Меҳнатдан келаётган даромадларнинг муттасил ортиб бориши «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да меҳр-мурувват ишларини янада жонлантиришга имконият яратаётир. Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кўп болали, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга ҳозиргача 132 бош қорамол бепул тарқатилди. Шунингдек, Қарор талабларига мувофиқ ишсизликни камайтириш ва қорамолчиликни ривожлантириш мақсадида мол сотиб олиш учун банклар томонидан ўз маблағлари ҳисобидан жорий йилнинг иккинчи чорагида 20,1 миллион сўм, меҳнат ва бандлик жамғармаси томонидан эса 7 миллион сўм кредит ажратиш режалаштирилган эди. Ҳақиқатда эса 35,2 миллион сўм маблағ берилди. Фермер хўжаликларига 32 та йирик шохли, наслли қорамол ким ошди савдоси орқали сотилди. Ҳозир туманда шахсий ёрдамчи, деҳқон фермер хўжаликларидаги йирик шохли қорамоллар сони 46 мингдан ортди. Чорва моллари эгаларига сифатли омухта ем сотиб олиш учун «Шовотдон маҳсулотлари» корхонасининг шахобчаси очилди. Туманда 11 жойда зооветеринария шахобчалари аҳоли чорвасига хизмат кўрсатаётир.

Янги ишчи ўринлари яратиш режалари ҳам ортиғи билан бажарилаётир. Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш мақсадида касаначилик ҳисобига 160 та янги ишчи ўрни яратилди.

"Янгибозор агросервис" фирмаси ташкил этилгани айни муддао бўлди. Агрофирма мевани қайта ишлаш корхоналарига 80 тонна олма, 30 тонна ўрик жўнатди. «Кеч ёктилик» мева-сабзавотларни қайта ишлаш корхонаси тўла таъмирдан чиқарилди. Бу корхонада яна битта мевани қуритиш цехи фойдаланишга топширилиб, олмани қуритиш ишлари бошлаб юборилди.

Янгибозор шоликорларининг миришкорликлари ҳам таҳсинга лойиқ. Шаҳарлар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга доимо эътибор билан қаралаётир. Пойтахт аҳолисига йил бошида 300 тонна арзон нархларда гуруч етказиб берилди.

Маҳалла обод — юрт обод. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан хайрли ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик. Раъно опа Курязова бошлиқ жамғарма фидойилари бошқош бўлишаяпти. Байрам тантаналарини нишонлашда, спорт мусобақаларини ўтказишда, маҳаллалардаги тарғибот-ташвиқот ишларини юқори даражада олиб боришда уларнинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, табаррук ёшли нуроний отахонлар, муниса онахонлар, меҳнат фахрийлари, ногирон ва меҳрибонларини йўқотганларга жамғарма ғамхўрлик кўрсатаётир. Ўнлаб ногиронларга жамғарма ҳомийлигида ногиронлик аравачалари олиб берилаётир. Туманда ўтказилган «Шоҳсупадаги санам», «Алла», «Кичик хоним» кўрик-танловлари ва ўсмирлар ўртасидаги спорт мусобақалари ғолибларини муносиб тақдирлашда ҳам жамғарма жонбозлик кўрсатаётир.

«Наврўз» маҳалласида янги қуриб, фойдаланишга топширилган марказий шифохона «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да туман аҳолиси учун совға бўлди. Бу шифо маскани қурилиши учун «Маҳалла» хайрия жамғармаси 1,5 миллион сўм ҳомийлик ёрдамини кўрсатди.

Маъмун академиясининг минг йиллигини муносиб нишонлаш ва уни ўтказиш бўйича ўтказилган хайрия ҳашаридан тушган маблағнинг 5 миллион сўми ушбу қутлуғ сана муносабати билан амалга ошириладиган ободонлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларини бажаришга сарфлаш мақсадида ўтказиб берилди.

Бундан ташқари, туманда учта мактабнинг қишки мавсумга тайёргарлик кўриш ва таъмирлаш ишлари учун 2 миллион сўм ҳомийлик қилинди. Мустақилликнинг 15 йиллик шодиёналарида туман маҳаллаларида истиқомат қилувчи 17 нафар ногиронга, боқувчисини йўқотганларга, 100 ёшдан ошган пиру-бадавлатларга 1 миллион сўмлик совға-саломлар улашилди. Истиқлол байрамига бағишлаб маҳаллалар ўртасида ўтказилган «Мустақиллик — элим бошидаги тож» кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллаган Бошкирших қишлоғидаги «Ишхлар» маҳалласига телевизор, иккинчи ўринни олган Қаландардурман қишлоғи «Манғитлар» маҳалласига мусиқий марказ совға қилинди.

Биз Янгибозорда амалга оширилган эзгу ишлардан бир шингилини қаламга олдик, холос. Халқимиз орасидаги «Бир кўнгил иморати, минг макка зиёрати», деган ҳикматли сўз бежиз айтилмаган. Меҳр-шафқат, хайр-мурувват кўрсатишга иштиёқманд инсонлар кўпаяверсин. Янгибозорликларнинг хирмонларига барака кираверсин, бободеҳқонларнинг йил бўйи пешона тери эвазига етиштирган пахтаси эвазига топганлари тўйларига буюрсин!

Ўринбой КЕНЖАЕВ.

Элга таниқли одамлар

ҲАҚИҚИЙ УСТОЗ — ҲАЁТ

Республикамизнинг таниқли санъаткорлари ҳақида гап кетса, Равшан Солиҳов исм-шарифи ҳам тилга олинади. Театрдан ташқари ҳам кино, ҳам ойнаи жаҳон орқали бир қанча ролларни маҳорат билан ижро этган бу актёрни танимаган ё номини эшитмаган одам камдан-кам топилади.

Таниқли инсонлар билан учрашганда уларнинг иш фаолияти, шахсий ҳаёти билан қизиқамиз. Улар билан суҳбатлашгимиз, ҳаёт ҳақидаги фикрларини эшитгимиз келади. Бу табиий ҳол.

Яқинда таҳририятимизга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Солиҳов ташриф буюрди. Мухлисларга маълумки, у 100 дан ортиқ ролларни қиёмига етказиб ижро этган.

— Кечагина Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами нишонланди. Равшан ака, сиз кимни санъат соҳасида ҳақиқий устозим дея оласиз?

— Олийгоҳда Раззоқ Ҳамроев, Зуҳра Олимжонова, техникумда Содиқ Усмонов, Маҳкам Муҳамедов, Сотимхон Имомхўжаевларни устозларим деб биламан. Аммо, ҳақиқий устоз бу — ҳаёт!

— Айтишларига қараганда, мактабни тугатиб, Театр ва рассомчилик институтига киролмай маданий оқартув техникумида ўқиган экансиз.

— Ҳа, техникумда маҳорат, режиссёрлик илмларини ўргатишган. Устозим Сотимхон Имомхўжаевга: «Институтга киришимга ёрдамлашасизми?», — деганимда, улар: «Бу даргоҳга таланти бор одам киради, чунки бу санъат. Ўз кучинг билан киролсанг, сенга у ерда дарс ўтаман», — дегандилар. Шундай қилиб, 1967 йили ҳозирги Маннон Уйғур номидаги Санъат олийгоҳига кириб, мусиқали драма йўналиши бўйича ўқидим. Мана, 38 йилдан бери Муқимий номидаги мусиқали театрда ишлаб келяпман.

— Баъзилар артистлар орасида ҳасад кучли бўлади, дейишади. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Айнан сиз сўраётган кўролмаслик туфайли бир вақтлар мени актёрлик фаолиятидан четлаштиришган. Аммо актёрлик касбига бўлган қизиқишим, саҳнага интилишим сабаб театрни ташлаб кетолмадим. Чолғучилар ансамблида чанг, рубоб, доира каби созлар чалиб, сафарма-сафар баҳоли қудрат меҳнат қилиб юрдим. Кейин ҳаммаси изга тушди. Инсонлар бор «иши юришганларга» ҳасад қилишади. Аммо бундай иллат билан артистман деб юрганларни маънавий ожиз деб ҳисоблайман. Ундайлар билан йўлларимиз, ҳатто тушунчамиз ҳам бошқа-бошқадир.

— Сизни томошабинлар кўпроқ комик актёр сифатида эътироф этишади. Бунга қандай қарайсиз?

— Тўғри айтдингиз. Бу ҳақда ўзимга ҳам гапиришади. Аммо мен актёр кўп қиррали бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Шунда у алпинистлар каби санъатнинг юқори чўққиларини забт этади.

— Нега айнан шу касбни танлагансиз?

— Сабаби артист ҳар хил соҳа эгасига айлана олади. Бир қарасангиз қоровул, баъзида шоҳ, баъзан шифокор. Аслида ҳамма касбга қизиқаман. Менинг қизиқишларимни эса фақат артистлик соҳаси қамраб ололади.

— Равшан ака ҳаётда ҳам артистми?

— Йўқ. Мен ҳамма қатори оддий инсонман. Фақат, касбим артист, холос.

— Худди театрдаги каби кино соҳасида ҳам анчагина «хазинангиз» бор. Сизга кино яқинми ёки театр?

— Менга театр яқин. Аммо кинони ҳам яхши кўраман. Сабаби фақат кинодагина юрак туйғуларини, дардни сўзсиз ифодалаш мумкин. Айтишади-ку, юракнинг сўзини кўз ифодалайди деб. «Мешполвон»да Мутал мингбоши ролини ижро этгандим. Шу кичкинагина роль бутун кинони очган дейишган. Менга сўзсиз роллар ёқади. Ана шундагина артистнинг ҳиссиёти тарбияланади.

— Томошабинларнинг театр ўриндиқларини тўлдириб ўтирмаслигининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Артистлар саҳнада бир-бирларини тўлдириб, баробар роль ижро этишлари керак. Кимдир жон куйдирса-ю, кимдир ўртамиёна ўйнаса, бундай вақтларда асарнинг таъсир кучи камаяди ва томошабинлардаги қизиқиш сўна бошлайди. Бу эса мухлисларга яққол сезилади ва саҳна асарларига иштиёқ сусаяди.

— Сиз биринчилардан бўлиб 2000 йилда ижодкорлар учун таъсис этилган «Офарин» мукофотига сазовор бўлгансиз.

— Ёдимда, ўша йиллари Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг кичик ҳажвий саҳна асарлари асосида «Ҳам куласиз, ҳам куясиз» деб номланган телевизион миниатюралар театрининг спектакли саҳналаштирилган эди. Ушбу асарда бир ўзим 11 та роль ижро этганман. Бу каби театр, кино ва телевидениеда яратган ҳажвий ролларим туфайли ушбу мукофотга лойиқ, деб топилганман. Бир сўз билан айтганда, мукофот меҳнатларимнинг қадрлангани, меваси деб ўйлайман.

— Бундан илгари ҳам мукофотлангансиз, тўғрими?

— Ҳа, 1997 йили Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига лойиқ топилганман, 1998 йили эса республика миниатюралар театри конкурсида 1 ўринни эгаллаганман.

— Равшан Солиҳов учун энг юксак мукофот нима?

— Мухлисларимдан: «Ўйнаган ролингизнинг худди ўзи бўлиб кетдингиз», — деган самимий мақтовни эшитиш, мен учун энг юксак мукофот. Бир суҳбатда Ёш томошабинлар театрининг устоз санъаткорларидан, Ўзбекистон халқ артисти Манзура ая Ҳамидова: «Болам, мен сизнинг ижодингизни доимо қизиқиб кузатиб бораман. Дунёда артист кўп, аммо ҳақиқийси кам, шулардан бири — сиз бўласиз», — дегандилар. Бундан ташқари Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғуломнинг «Тошкентликлар» асарини саҳналаштирганимизда спектакль муҳокамасида сўзга чиққан таниқли ёзувчи, драматург Ўлмас Умарбеков: «Бугун яна бир Ҳамза Умаровни кашф этдим», — дея эътироф этганлари ёдимда. Мен ижро этган Зулумбек сиймоси уларда катта таассурот қолдирган экан. Яна бир воқеа: машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг «Сарвқомат дилбарим» номли қиссаси асосида саҳналаштирилган «Қизил дуррали нозик-ниҳолим» саҳна асарида Жонтой ролини ижро этганимни томоша қилган адиб: «Қиссада қандай тасвирлаган бўлсам, шундай ижро этилди, менга жуда маъқул», — дея фикр билдирган эдилар. Демак, ижодимни устозларим каби мухлисларим ҳам кузатишади. Бундай эътирофларнинг ўзи санъаткор учун олий мукофот.

— Айтишларича, артистлар орасида гримга энг ишқибози сиз экансиз, тўғрими?

— Ҳа, тўғри. Мураккаб гримни ёқтираман. Шундай грим қилинса-ю, артистни ҳеч ким танимаса. Масалан, «Куйган банда» миниатюрасида рол ўйнаш учун грим қилдириб чиқиб келсам, ҳозиргина мен билан саломлашган танишларим таний олмай, телевидениега янги қоровул келибдида, дейишганди. С.Аҳмаднинг «Буқаламун билан учрашув»ида Диёров ролини ижро этганман. Ўшанда ҳам раҳматлик Суръат Жалилов меъёрига етказиб грим қилган эдилар. Бу инсон мен билган энг зўр гримёрлардан эди. Гримнинг ҳам образни очиб беришдаги хизмати беқиёс.

— «Занжир» спектаклида учта эпизодда уч хил ролни ижро этгансиз. Бир вақтнинг ўзида бир нечта инсон қиёфасини яратиш қийин-ку, ахир. Гоҳида бир кунда ҳам кинода, ҳам театрда тасвирга олиш ишлари билан банд бўласиз. Аслида бу артистнинг маҳоратидан дарак. Сиз буни қандай уддалайсиз?

— Ҳар бир ролимга алоҳида тайёрланаман, «машқ» қиламан. Кечалари туриб сўзларни ёдлаган вақтларим ҳам бўлган. Ишимга меҳр билан ёндошишга интиламан. Ва ҳар бир сўзни юрагим билан ҳис этиб, роль ижро этаман. Бунинг учун, аввало, асарни яхшилаб ўрганаман.

— Келгусида қандай ролларни ижро этиш ниятидасиз, комедиями ё...?

— Мураккаб гримли, классик асарлар асосида яратиладиган спектакларда жиддий ролларни ижро этиш ниятидаман.

— Равшан Солиҳовнинг бугун ўз шогирдлри ҳам бўлиши керак?

— Устозим Ҳамза Умаров: «Санъаткорнинг тўғридан-тўғри устози бўлмайди. Сабаби — артистлик ўргатиладиган ҳунар эмас. Мен ўйнаган ролларни томоша қилиб, кераклигини илғаб ололсанг, мен сенга устозман», — дегандилар. Мен эса устозимнинг гапларига қўшиламан. Бу сўзлардан шогирдлар керакли хулоса чиқариб оладилар, деб ўйлайман.

— Инсон ва артист. Сиз уларни қандай таърифлайсиз?

— Инсон қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар, ўзидан яхши ном қолдириши керак. Артист авваламбор инсон, шу билан бирга — томошабин хизматкори. У доимо хизматда, халқнинг орасида бўлмоғи лозим. Яратган қиёфалари билан халқ қалбида ўчмас из қолдириш, меҳрига сазовор бўлиш санъаткор орзуси, умрининг мазмуни бўлиши керак.

60 ёшни қаршилаш арафасидаги бу санъаткорнинг кўнгли доимо ёш. У янги-янги роллар ижро этиш ниятида. Биз эса унга сермашаққат, шу билан бир қаторда масъулиятли, аммо шарафли касбида омадлар тилаймиз.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи суҳбатлашди.

«Нурхон» спектаклидан кўриниш.

Такрор мутолаа

Умрнинг ўтиши — кўз юмиб очгунча.

(Бобомнинг гурунгидан)

Усмон АЗИМ

ЖОДУ

(ҳикоя)

Эркак чой қўйди.

Хаёлланиб деразадан пастга қаради. Бекатга етиб келган автобусдан йўловчилар бирин-кетин туша бошладилар. Шафтолиранг кўйлакли аёл ўзини ерга ташлаши билан эркак нохос шамол теккандай ҳаракатланди. Юзини тириштириб, елкаларини енгил йиғганча, энгашгандай бўлди. Югуриб ташқари чиқди. Лифтнинг тугмачасини босди. Қайдадир пастда қўзғала бошлаган кабинани кутишга сабри чидамай, пастга югурди. Аёл у яшайдиган гугурт қутиси монанд тўққиз қаватли иморатнинг бурчагидан айланиб ўтиб, ўзининг уйига элтадиган йўлкага эндигина қадам ташлаган эди. У ўзи томонга шиддат билан яқинлашиб келаётган эркакка кўзи тушгач, жилмайди.

— Сиз мени кўрсангиз доим жилмаясиз, — деди эркак етиб келар-келмас.

— Хўш? — деди аёл кулгуси янада чиройлироқ тортиб.

— Мени жоду қилганмисиз-эй... Сизни кўргим келаверади.

— Ҳа, мен жодугарман.

Аёлнинг табассуми чидаб бўлмас даражада гўзаллашди. Эркак энг катта гапини айтмоққа оғиз жуфтлаганини сезган аёл уни тўхтатди.

— Илтимос, кўчани гапи эмас...

— Бўлмаса, қаерда айтай?

Аёл шарақлаб кулиб юборди.

— Юринг, бизнинг уйга, айтарсиз.

Улар қўшни беш қаватли иморатнинг учинчи қаватига бесўз кўтарилдилар. Ичкари кирдилар. Аёл йўлкадаги чироқни ёқиб, эшикни қулфлади.

— Эҳ! — деди эркак, — газга чой қўйган эдим, эсимдан чиқибди. Бориб ўчириб келай...

Аёл лабларидаги ўша чиройли жилмайиши билан унинг кўзларига тик қаради.

— Мен — жодугарман! — деди у. — Сизни жодулаб қўйганман. Энди бу уйдан чиқиб кетолмайсиз.

— Ойи, дадам келмаяптилар-ку, — деди дадасини ҳар лаҳзада соғинадиган қизи.

— Инжиқлигингни қўй. Даданг энди келмайди.

Унинг овози титрарди.

— Нега келмайди?! Нега келмайди?!.

Онасининг овози кутилмаганда қатъий жаранглади.

— Даданг ўлди.

Қиз гарангсиб бориб, деразага қаради. Қўшни беш қаватли уйнинг олдида қатор-қатор одамлар ўтирарди. Чопон кийишган, бошларида дўппи. У бир пас дераза ойнагига бош тираб тургач, ичкарига бурилди.

— Болам, шу ердамисан?

Эшикда ўғли кўринди. Қўлида китоб.

— Китоб ўқийвериб оламдан бехабар қоласан, болам! Даданг қазо қилибди, жанозага бор. Каттангни ҳам олиб ол. Оёғимда жон бўлганда мен ҳам борардим.

Ўғил орқасига қайтаётганда, она уни яна тўхтатди.

— Ошхонада чойнак тиқирлаяпти. Кимдир чой қўйиб эсидан чиқарган кўринади. Менга бир пиёла чой дамлаб бер-да, боравер...

Китоб байрами

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Мутолаа — маънавий юксалиш омили» шиори остида «Мутолаа байрами-2006» бўлиб ўтди.

МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Тўртинчи маротаба ўтказилган бу анъанавий тадбирнинг биринчи куни «Ўзбекистонда китобат тарихи», «Китоб асрлар оша абадият сари», «Китоб санъати — маънавиятимизнинг тикланишида нашриёт ва кутубхоналарнинг ўрни», «Китоб — ақл чироғи» номлари остида юртимизда ва хорижда янги нашр этилган китобларнинг кўргазмаси намойиш қилинди. Мазкур китоблар ҳозирги даврда илм-фан ва маданиятнинг турли қирралари бўйича ривожланиш даражасини ўзида акс эттирган. Кўргазмага қўйилган иқтисод фанлари доктори Муҳаммадали Саидовнинг «Ўзбекистон: инсон омилига сармоя, таълим соҳасида ҳамкорлик», профессор Васила Каримованинг «Оилавий ҳаёт психологияси» номли китоблари долзарб мавзуда эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги электрон ресурслари тақдимоти ва улар билан танишиш шуни кўрсатдики, ҳаётимизнинг турли жабҳаларидан ўрин олаётган электрон технологиялар кутубхона ходимлари ва китобхонлар учун ҳам қулайликлар яратмоқда. Кутубхонанинг библиография бўлими тақдимотидаги нашр қилинган ишлар кутубхоналар ва барча изланувчан китобхонлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлибгина қолмасдан, кутубхонанинг имкониятларини ҳам кўрсатиб турибди.

Тадбирда Миллий кутубхонада очиқ эшиклар куни доирасида меҳмонлар, ўқув юртлари талабалари учун экскурсиялар, якка тартибда ва гуруҳ ҳолида маслаҳатлар ва суҳбатлар, кутубхона жамоаси билан учрашувлар ўтказилди. Кутубхона бўлимлари ва кутубхона ахборот ресурслари, зарур ахборотларни қабул қилиш ва қидириш усуллари билан таништирилди. Педагог олимлар, ўқув юртлари талабалари, кутубхона ходимлари иштирокида ўтган давра суҳбатлари ва семинарларда китоб билан ишлаш, кутубхона қоидалари, мутолаа маданияти, китобхонлик кўникмаларини ҳосил қилиш усул ва услублари, мустақил фикрлаш, ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳамда уларни қўллаш каби мавзуларда фикр юритилди.

«Ҳаётимиз мазмуни китобдир» мавзуидаги ёшлар билан учрашувда уч авлод вакиллари бўлмиш турли миллатлардан иборат бўлган шоир, ёзувчилар ўзларининг ижод намуналаридан ўқиб бердилар. Уларнинг дўстлик, муҳаббат, Ватан, юксак ахлоқий фазилатлар каби инсоний туйғулар таранним этилган асарлари кеча қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Тадбирда ногирон ва етим болалар учун хайрия акцияси ҳам бўлиб ўтди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,
Тошкент Давлат техника университети доценти.

Жамият ва қонун

ТЎҒРИ ЙЎЛДАН АДАШМАНГ

Айтайлик, бир фуқаро тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи. Дастлаб у ишни маҳаллий ҳокимиятга ариза беришдан бошлайди. Ҳокимият қарорини олиб, солиқ ва бошқа ташкилотлардан рўйхатдан ўтади ва ишга киришади.

Бу тўғри йўл, албатта. Бироқ айрим юртдошларимиз бу соҳада ноқонуний фаолият юритишмоқда. Ана шундайлардан бири Чилонзор тумани 1-мавзеда яшовчи Тўлқин Худойқуловдир. У ҳеч қаерда рўйхатдан ўтмаган. Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун тегишли рухсатномаси йўқ. Шундай бўлса-да, Т.Худойқулов харидоргир маҳсулотлардан сигарета билан савдо-сотиқ қилган. «Тадбиркор» савдо қилаётган дўкон кўздан кечирилганда акциз маркасиз 33 турдаги 2722 қути тамаки маҳсулотлари ҳамда умумий нархи 4326,3 минг сўмлик бошқа товар-моддий бойликлар борлиги аниқланди. Ноқонуний даромад топмоқчи бўлган Тўлқин Худойқуловнинг фаолиятига чек қўйилди.



Худди шунингдек, Ўрта Чирчиқ туманида истиқомат қилувчи Отабек Каримов ҳам ноқонуний йўл билан омадини сигарета савдосида синаб кўрмоқчи эди. У хорижда ишлаб чиқарилган, лекин Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси ёпиштирилмаган умумий нархи 2250,0 минг сўмлик «MURATTI» сигаретини сотиш учун олиб кетаётганда тўхтатилди. Отабек Каримов «товари»нинг бирорта ҳам ҳужжати йўқ экан. Шундай қилиб, ҳуқуқбузар қонун олдида жавоб берадиган бўлди.

Хўш, бундай кўнгилсиз воқеалар рўй бермаслиги учун нимага эътибор бериш керак? Аввало, ҳар бир фуқаро тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи экан, тегишли рухсатнома асосида қонуний фаолият юритиши зарур.

Умид НОРҚЎЗИЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛКК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси Чилонзор туман бўлими суриштирувчиси.

Орамиздаги одамлар

Профессор Аҳмадқул Эргашевни анча йиллардан буён сиртдан билар эдим. Сабаби атроф-муҳит муҳофазаси, яъни экология мавзусидаги суҳбатларда у ёзган китоб ва дарсликлар, чунончи, «Умумий экология», «Гидроэкология» сингари муҳим қўлланмалари албатта тилга олинар, унинг Марказий Осиё табиати, шу жумладан, сув ҳавзалари, ўсимлик дунёси, айниқса, ўлкамиздаги ноёб оби ҳаёт манбалари ҳақидаги тадқиқотлари эътироф этиларди.

ТАБИАТГА МЕҲР УЙҒОТИБ

Яқинда унинг Т.Эргашев билан ҳамкорликда ёзилган, «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилган яна бир янги китоби — «Агроэкология» дарслигини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим ва заҳматкаш олим билан яқиндан танишишга, атроф-муҳитнинг бугунги муаммолари хусусида суҳбатлашишга қарор қилдим.

Аслини олганда, салкам олти юз бетли ушбу китобда нафақат «Экология» мутахассислигини эгаллаётган талабалар ёки қишлоқ хўжалиги ходимлари, балки барча зиёлиларни, онатабиат муҳофазасига бефарқ бўлмаган ҳар бир одамни қизиқтирувчи, ўйлантириб, мулоҳаза юритишга чорловчи саволларга жавоблар муфассал ёритилган. Чунончи, биосферанинг экологик омиллари, биоценоз, экосистемаларнинг ҳолати, биосферанинг табиий бойликлари, қишлоқ хўжалиги экотизимларининг биологик маҳсулдорлиги, техноген омиллар таъсири, тупроқ ифлосланишидаги кимёлаштириш жараёнлари, минерал ва органик ўғитларни қўллаш меъёрлари, хуллас, биз билган, дуч келаётган кўпдан-кўп муаммолар очиб берилган. Бинобарин, бу асар олимнинг узоқ йиллар давомида олиб борган машаққатли меҳнати, илмий кузатишлари самараси экани яққол сезилади. Қарангки, домла билан суҳбатимиз асносида маълум бўлишича, ушбу йирик рисола Аҳмадқул Эргашев ўз илмий фаолияти давомида яратган бутун бир асарлар силсиласининг битта бўғини экан, холос.

— Агроэкология — «Ўсимликлар экологияси», «Ҳайвонлар экологияси», «Сув экологияси» каби «Умумий экология»нинг таркибий қисмларидан бири, — дейди у. — Мустақиллик шарофати билан ана шу йўналишлардаги қатор илмий асарларимиз дунё юзини кўрди. Фақат кейинги икки йил мобайнида «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» (2005 й), «Экология, биосфера ва табиатни муҳофаза қилиш» (2005 й), «Основы экологии» (Т.Эргашев ва Н.Абдужабборов билан ҳамкорликда, 2005 й) каби қўлланмалар нашр этилди. Бу, аввало, мамлакатимизда атроф-муҳитни асраб-авайлашга бўлган эътиборнинг тобора кучаяётганини кўрсатади. Иккинчи жиҳати, мана шу долзарб соҳага оид ўзбек тилидаги дарсликларни янада кўпайтириш имконини беради.

Чиндан ҳам табиат ва инсон муносабати, айниқса, ёш авлодни атроф-муҳитни асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш — бугунги куннинг ғоят ўткир масалаларидан ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас. Шу нуқтаи назардан профессор Аҳмадқул Эргашев кексаликни писанд этмай туну кун меҳнат қилиб, ана шу мавзуда бир-биридан зарур ва бир-биридан муҳим китобу рисолалар, дарслик ва қўлланмалар яратаётгани диққат-эътиборга, эътирофу эҳтиромга арзигуликдир.

Дарвоқе, Аҳмадқул ака ҳозир етмиш беш ёш остонасида. У Чимкент вилоятидаги Сайрам туманининг Қорамурт қишлоғида туғилиб, вояга етган. Тошкентга келиб, дорилфунуннинг биология-тупроқшунослик факультетини тамомлаган, бутун умрини Ўзбекистон табиати муаммоларини ўрганиш, улар ечимини қидириш ҳамда илмий асослашга бағишлаган. 1962 йилда номзод, 1982 йилда фан доктори диссертацияларини ҳимоя қилган. Профессор бўлиб илмий ходимларга устозлик қилган. Шу билан бир қаторда 320 дан зиёд илмий асарлар яратган. Бир сўз билан айтганда, меҳнатни қилиб қўйган. Энди ифодали қилиб айтганда, бемалол дам олиб, кексалик гаштини суриб юрса ҳам бўлади. Аммо...

У бир кун, бир соат ҳам тиниб-тинчиб ўтиролмайди. Истиқлол берган беҳад имкониятлардан фойдаланиш, миллий фанимиз, таълим тизими ривожига, илмий-амалий муаммолар ечимига баҳоли қудрат ҳисса қўшишни истайди. Айниқса, у ёш авлодни табиатга меҳр-муҳаббат, ўлкамизнинг фусункор ўсимликлар олами, мусаффо сув ҳавзаларини, хуллас, беқиёс ва бетакрор атроф-муҳитини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш масаласига бениҳоя жиддий муаммо деб қарайди. Ана шу муаммо устида мудом ўйланади, изланади. Узлуксиз меҳнат қилади. Кейинги йилларда ўнлаб салмоқли китоблар чоп этгани мана шунинг ҳосиласи, далил-исботидир. Бундай шаҳду шижоатга, фидойиликка ҳавас қилса арзийди. Шундай эмасми?

Ҳабиб ТЕМИРОВ.

УЗОҚ ЯШАШ «СИР»ЛАРИ

Инсоннинг табиати ғалати... У ҳовлисидаги дарахт ва гулларни меҳр билан парваришлайди, куя тушмасин деб кийим-кечакларини авайлаб-асрайди, қимматбаҳо буюмларига гард юқтирмасликка ҳаракат қилади. Аммо ўзига қолганда у даражада меҳр, эътибор, вақт ажратмайди.

Нега? Ахир, инсоннинг вужуди ва руҳияти ҳам парваришга муҳтож-ку! Биз узоқ умр кечириш ҳақида орзу қиларканмиз, ўз соғлиғимиз ҳақида қайғурмай туриб бунга эришиш мумкинмикин? Йўқ, албатта.

Айтишларича, қадимда Луқмони Ҳаким дала-ю даштда кетаётса, ҳар бир гиёҳ ўзининг қай хасталикка даво эканини бирма-бир сўзлаб бераркан. Табиатдаги барча ўт-ўланлар тилини тушунгувчи бу одам минг йил умр кўргани тарихий манбаларда қайд этилган. Оғир дардларини тузатгани учун соғайган беморлар унга минг йил умр тилаганлар. Ана шу дуо ижобат бўлиб, Луқмони Ҳаким узоқ яшаган, дейилади ривоятларда. Баъзи тарихчилар эса: «У гиёҳлардан қандай фойдаланишни яхши билгани учун жуда кўп ҳаёт кечирган», — деб ёзишган экан... Аслида-ку, ҳар биримиз кўп йиллар соғ-саломат яшаш истагида юрамиз. Аждодларимиз ҳам бунга эришиш йўлларини тинмай излашган. Илгарилари олимлар меъдани тозалаб туриш ва томирлардан қон олдиришни узоқ яшаш омили деб ҳисоблаган бўлсалар, Абу Али ибн Сино «Агар чанг ва ғубор бўлмаганида одам минг йил ҳаёт кечирарди» деган ҳикматни айтган. Баъзи бир алломалар масаланинг бошқа жиҳатига эътиборни қаратганлар. Аҳмад Дониш: «Борди-ю, ҳар бир киши овқатланиш қоидаларига амал қилса, 120 йил яшайди», — деб башорат қилган. Махатма Ганди эса: «Минг хил касалликнинг 999 тасини тўғри овқатланиш билан даволаш мумкин», — деган сўзларни ёзиб қолдиради.

Дунёга машҳур биолог Борис Сергеев узоқ умр кўришнинг «калит»и юрак мушакларига жойлашганини эътироф этади. «Юраги тез урадиганларига нисбатан сустроқ урадиган кишилар кўп яшайди», — деган хулосага келади у. Швейцариялик физиолог Галлернинг таъкидлашича, юз йил умр кўриш ҳам аслида наслга боғлиқ экан. «Узоқ умр кечириш ўз отабоболаридан генетик йўл билан ўтади» дейди олим. Бошқа олимлар эса узоқ йиллик илмий тадқиқотлар натижасига таяниб, «узоқ яшаш бош мия фаолияти билан боғлиқ, мия қанчалик кўп ишласа, киши ўз ақл-заковатини қанча кўп сарфласа, шунчалик баракали яшайди», деган тахминни илгари сурадилар.

Хўш, ким ҳақ? Узоқ яшамоғимиз учун бундай тажрибаларнинг қай бирига кўпроқ таянишимиз лозим. Аслида ҳар бир фикр эгаси маълум даражада ҳақ. Айтилганларнинг ҳаммасини жамласак, шундай умумлашма юзага келади: «Узоқ яшашнинг асосий сири инсоннинг ўзига бўлган меҳри, эътибори ва эҳтиёткорлигидадир!» Демакки, ўзимизни — жисмимизни ва руҳимизни ташқи ҳамда ички таъсирлардан омон сақлашимиз зарур бўларкан. Бунинг учун биринчидан, руҳиятимизни осойишталик қўрғони ила ўрайлик. Негаки, улуғ алломанинг фикрича, руҳ хасталанса (яъни безовталанса), жисм ҳам касалликка чалинади. «Кишидаги хасталиклар ўз-ўзидан бошланмайди, балки унинг маълум бир сабаби бўлади», — деган экан дунё таниган болгариялик башоратчи Ванга. У кўпгина касалликлар сабабини шундай изоҳлайди: масалан, қандли диабетнинг келиб чиқиши кучли стресс, қўрқув, қайғу-ҳасрат туфайли рўй берса, ошқозон яраси ўта оғир кечинмалар оқибатида пайдо бўлади. Шунингдек, моддалар алмашинувининг бузилишига асосий сабаб, нотўғри овқатланишдир. Астма доимий совуқ ичимликлар ичишдан, танадаги ўсма ва шишлар зарба теккан

Табобат ва ҳаёт

жойларни вақтида даволатмасликдан, буйрак оғриғи қаттиқ совқотишдан, бепуштлик эса жинсий аъзолар яллиғланишига бепарволикдан келиб чиқади.

Бундан ташқари, овқатланишда йўл қўйилган хатолар натижасида айрим хасталиклар авж олади. Ибн Синонинг айтишича, жаҳл чиққанда, руҳий изтироб чекканда ёки таниниг бирор жойи оғриб турганда ейилган таом яхши ҳазм бўлмайди. Қаттиқ чарчагандан кейин истеъмол қилинган овқат ҳам ошқозон фаолиятининг бузилишига олиб келади. Бир беморнинг ҳикоя қилишига кўра, у шифокор хузурига бориб, ўн икки бармоқли ичак ярасидан азоб чекаётганини айтади ва маслаҳат сўрайди. Шунда дўхтир: «Сиз кўп асабийлашасизми?», — дея беморга синовчан қарайди. «Менинг асабийлашишимга ошқозон касалининг нима алоқаси бор?», — дейди бемор. Аслида шифокор ҳақ эди. Чунки, меъда-ичак тизими турли хил руҳий ҳиссиётларга сезгир бўлиб, кайфиятнинг бузилиши ошқозонда шира ишлаб чиқарилишига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг оқибатида ҳазм жараёни бузилади. Ҳазрати Алишер Навоий: «Тинч ва хотиржамлик билан ичилган ёвғон умоч хижолат ва машаққат билан ейилган қандли кулчадан яхшироқ», — деб бежизга айтмаганлар.

Кўпчилигимиз ақлий меҳнат кишилари саналамиз. Мутахассис шифокорларнинг уқтиришларича, одам ақлий меҳнат билан қанчалик кўп шуғулланса, нерв ҳужайраларидан иборат марказлар шунчалик кўп кислород ва озиқ моддаларни талаб этади. Бу талабни қондириш учун аввало тоза ҳавода нафас олиш, ундан кейин зарур бўлган айрим озиқ моддаларни истеъмол қилиш лозим. Масалан, киши сабзини хом ҳолида еса ёки шарбатини ичса, мияда модда алмашинуви яхшиланиб, хотира кучаяди. Хом карам таркибидаги моддалар асабийлашганда ижобий таъсир этиб, одамни тетиклаштиради. Лимонни эрталаб чойга солиб ичиш асаб тизимига бардамлик бахш этади. Шунингдек, бош миянинг ҳужайралари етарли даражада кислород билан таъминланишини истасангиз, вақти-вақти билан бош пиёз еб туринг. Ёнғоқ кексаларнинг миясига қувват беради. Ижодий иш қилувчилар овқатида доимо зира бўлиши мақсадга мувофиқ. Чунки ундаги эфир мойлари асаб ҳужайраларининг нафас олишини яхшилайди, дейишади олимлар. Кишининг кайфияти кўтаринки бўлишида нок муҳим аҳамиятга эга. Бу мева мияда қон айланишини меъёрга солади. Ҳар хил сабабга кўра, танада тўпланган моддаларни зарарсизлантиради. Яхши пишган нокни ҳидлаганда асаб тинчланади. Психолог шифокорлар эса доимо тетик бўлиб юриш учун тоғ ва ўрмонзорларни сайр қилиш, шаршаралар товушини тинглаш, булоқлару жилғалар овозига қулоқ тутиш лозим деб ҳисоблашади.

Хитой донолари киши узоқ умр кўришининг бир қанча сирларидан бизни огоҳ этаркан, шундай маслаҳат беришади: «Сиз умрингиз давомида қуйидаги машқларга одатлансангиз, умрингиз ўзингиз орзу қилгандан ҳам кўра узунроқ бўлиши табиий. Яъни бир текис нафас олишга аҳамият беринг, кўз, қулоқ, юз, соч терисини ва қорин атрофини тез-тез уқаланг. Елкангиз доимо тик турсин. Диққатни бир жойга тўпланг. Юрагингиз ҳамиша сокин ураётган бўлсин. Оз сўзлаб, кўп эшитинг. Таомни кам-камдан, тез-тез ейишга ўрганинг...»

Машҳур табиб Абу Али ибн Сино узоқ яшаш ҳақида фикр юритиб, феъл-атворнинг юмшоқ ва вазмин бўлиши, ўз вақтида овқатланиш, озода юриш, танани ортиқча нарсалардан тозалаб туриш, бурун орқали нафас олиш, тўйиб ухлашга алоҳида эътибор беришни уқтиради. «Бир йилда бир маротаба тоғли жойларга сафар қилиш, бир ойда бир маротаба ичакларни тозалаш, бир ҳафтада бир маротаба ҳаммомга тушиш зарур», — дейди улуғ аллома.

Бундан уч минг йиллар илгари яратилган «Авесто» китобидаги аксарият боблар инсон соғлиғини асрашнинг муҳим чораларига бағишланган. Бу асар бизга: «Дунёда энг яхшиси тозалик, одамнинг фикрлаши, танаси пок бўлиши керак», — деб уқтиради. Хуллас, узоқ умр кечириш асосан ўзимизга боғлиқ бўлиб, бу нарса анчамунча меҳнат ва эътиборни талаб этаркан. Агар биз юз йиллар яшашни истасак, фақат ўзимизни севишимиз ва қадрлашимиз орқали бунга эришамиз. «Инкор этиб бўлмайдиган яна бир ҳақиқат мавжуд. Яъни инсон ўзгаларни ҳам ўзини яхши кўрганчалик севса, ўзгаларнинг бахтли бўлишига ёрдам берса, атрофини ўзгалар миннатдорчилиги туйғуси (ижобий биомайдон) ўраб олади, бу нарса унинг умрига умр қўшади», — дейишади психологлар.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Гуллаб-яшнаётган юртимизда олтин куз.

1 октябрь куни Ўқитувчилар, устозлар байрами нишонланди.

Ана шундай файзли кунларда

«ПАХТА БАНК»

сизлар учун қулай ва манфаатли бўлган

«Олтин куз» ва «Мураббий»

муддатли омонатларини таклиф этади.

Омонатларнинг сақлаш муддати — 6 (олти) ой, ҳамда 3 (уч) ой бўлиб, ушбу омонатларга йиллик 24 фоиз миқдорида даромад тўланади.

Бадалнинг энг кам миқдори — 100 минг сўм.

Банк «Олтин куз» омонат тури бўйича ҳисобланган фоизларни ойма-ой, «Мураббий» омонат тури бўйича ҳисобланган фоизларни эса омонатнинг сақлаш муддати тугаганидан сўнг асосий сумма билан бирга тўлаб беради.

Омонатга қўйган маблағингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланганлигини эсдан чиқарманг.

«ПАХТА БАНК»НИНГ ИСТАЛГАН ФИЛИАЛИГА МУРОЖААТ ЭТИБ, ДАРОМАДИНГИЗНИ ЯНАДА КЎПАЙТИРИНГ.

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Муштарий илҳоми

ВАТАН

Тупроғи зар юртим,
жаннатмаконим,
Кўнглимда туғилган
гўзал достоним,
Онажон Ватаним,
бағри осмоним,
Менинг ифтихорим —
Ўзбекистоним!

Юртим, сенинг
меҳринг юрагимга жо,
Менингсан, сенингман
ўлгунимча то,
Она-юрт, борингга
минг жоним фидо,
Менинг ифтихорим —
Ўзбекистоним!

ОЙМОМО

Кўкда — осмон тоқида
Турар тўлин ойомо.
Пастга тушиб кетмас у,
— Нега, айтинг-чи, момо?!

Осмон тўла юлдузлар
Ойнинг ўғил-қизими?
Нега тонгда кўрсатмас
Ойомоможон юзини?!

Тонгда туриб излайман —
Ҳувиллаб турар само.
Балки Қуёш бободан
Уяларми Ойомо?!

— Момо, нега Ойомо,
Кундуз кўринмас экан?
Қуёш бобо тафтидан
Ё эриб кетармикан?!

Нигора АВАЗОВА,
Қамаши туманидаги 24-ўрта мактабнинг 9-«Б» синф ўқувчиси.

Энг кекса аёл Доғистонда яшайди

Шу кунга қадар Ернинг энг кекса аёли деб ҳисобланган америкалик 116 ёшли Элизабет Болден тез орада ўз «унвон»идан маҳрум бўладиганга ўхшайди.



Маълум бўлишича, доғистонлик Сархат Рашидова ундан накд 15 ёш катта экан. Паспорт маълумотлари бу фактни тасдиқлаб турибди, деб ёзади "Янги Известия" газетаси.

Маълумотларга кўра, унинг эри ўтган асрнинг эллигинчи йилларида вафот этган. Сўнгги пайтларда марҳум эрининг невара ва чеваралари ундан тез-тез хабар олиб туришади. Сархат момо эса фарзанд кўрмаган. Момо ўзининг узоқ умр кўриши сабабларини журналистларга тушунтириб бера олмаган. Унинг сўзларига кўра, бутун умри давомида бирон марта ҳам касал бўлмаган ва дориларга иши тушмаган. "Бизнинг уруғимизда барча узоқ умр кўрган. Бобом ҳам юз ёшгача умр кўрган эди. Ҳатто эрим ҳам узоқ яшаган", — деб сўзига якун ясаган 131 ёшли момо.

Дюрчань истеъфога чиқмоқчи эмас

Венгрия президенти Лалсо Шойом мамлакат парламентини Дюрчань бошчилигидаги ҳукуматни истеъфога чиқаришга чақирган эди. "Бош вазир ҳокимиятни ушлаб туришда йўл қўйиб бўлмайдиган усулларни қўллаганлигини тан олишни истамаяпти. Бу эса демократияга бўлган ишончни сўндиради", — деганди президент ўз маърузасида.

Венгрия бош вазири Ференц Дюрчань якшанба куни баёнот бериб, истеъфога чиқмаслигини билдирган. Бош вазирнинг муддатидан олдин истеъфога чиқишини мухолифат тарафдорлари олдинга суришган эди. Бунга эса маҳаллий радиоканаллардан бирининг ҳукумат йиғилишида ёзиб олинган аудиотасмани Интернет саҳифаларига чиқариб юборганлиги сабаб бўлган. Мухолифларнинг норозилигига сабаб бўлган ўша тасмада Дюрчань ўзи бошчилигидаги ҳукумат сайловларда ғалаба қозониш учун сайловчиларни алдаганлигини тан олганлигини тасдиқловчи сўзлар қайд этилган.

Мадонна — рекордчи

Мадонна барча даврларнинг энг қиммат аёл қўшиқчиси сифатида Гиннеснинг рекордлар китобидан ўрин олди. Бу билан 48 ёшли қўшиқчи рейтингнинг биринчи поғонасидан Бритни Спирсни сиқиб чиқарган. 2001 йилдан буён ҳеч ким бу борада Бритнига рақибалик қилолмаётган эди.

Бунга қадар, 2000 йилда ҳам Мадоннанинг номи рекордлар китобида қайд этилган бўлиб, ўшанда у 120 миллион нусхадаги дискларини сотган ва омадли қўшиқчи унвонини қўлга киритган эди.

Мадоннанинг "Иқрор" деб номланган сўнгги турнеси 193,7 миллион доллар келтирган. Бу кўрсаткич эса аёл ижрочилар томонидан илк маротаба забт этилиши.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

БИЛАСИЗМИ?

● Энг ҳазми қийин бўладиган нарса қовун бўлиб, унинг танага тўла сингиб кетиши учун ўн саккиз соат керак. Палов ўн икки соатда ҳазм бўлади. Гўштнинг ҳазмига ҳам шунча вақт кетади.

● Пишлоқни дастлаб икки минг йил аввал Эрон чорвадорлари тайёрлашган. Ҳозирда унинг саккиз минг хили мавжуд.

● Сариёғ қуввати жиҳатидан барча ёғлар ичида биринчи ўринда туради.

● Инсонга чангдан-да зарарлиси кўп ейишдир.

● Овқатда йод етишмаслиги оқибатида йилига юз минг гўдак ақли заиф бўлиб туғилади.

● Болалар ва ўсмирларни кўп овқатлантириш уларнинг эрта шалвираб қолишларига сабаб бўлади.

● Қирқ саккиз соатгача бўлган очлик тана аъзолари учун мутлақо зарарсиздир.

● Америка олимларининг тадқиқотига кўра, саримсоқпиёз ва карам саратон (рак) касалининг олдини олар экан.

● Дунёда биринчи гугурт ёрлиғи 1837 йили Венада чиқарилган. Россияда гугурт 1840 йилдан бошлаб ишлаб чиқарила бошланган.

● Колумб Европага тамаки олиб келганидан сўнг кўп вақтлар уни чекиш тақиқлаб қўйилган эди. Швейцарияда чеккан киши шарманда тўсинига боғлаб қўйилса, Англияда чет мамлакатга қувғин қилинарди.

● Германиянинг Гере шаҳрида нондан ясалган осма соат бор. Мана, ярим асрдан ошдики, у вақтни сониясигача аниқ кўрсатиб, ишлаб туради. Кимдир бу соатни механизмлари билан бирга (улар ҳам нондан ясалган) еб қўймаса, у яна анча вақт ишлаши мумкин.

Беҳзод ҚОДИРОВ.

Якка тартибдаги тадбиркор Зокиров Нигмат Гайратович номига берилган муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 1223.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 21.00